

СЕНТЯБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ”

Гуруҳ	Ўрта					
Мавзу	Мен ва менинг дўстларим					
Муддати	Сентябрь ойининг 4-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Турли юриш, югуриш, сакраш усуллари ҳамда қўл, оёқ ва тана машқларини бажариш. Катта ва кичик конструкторларни йиғиш. Ташқи кўринишни тартибга солиш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз хатти-ҳаракатларини баҳолаш. Дўстлари ҳақида сўзлаб бериш. Муваффақиятсизликларга бефарқ бўлмаслик.				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Кишилар касбини ифодаловчи отларни, меҳнат ҳаракатини ифодаловчи феълларни қўллаш. Таълимий ва оғзаки ўйинларни ўйнаш орқали луғат бойлигини ошириш.				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Нутқда сутка қисмларининг номларини қўллаш. Предмет шакллари номлаш (квадрат, айлана, учбурчак). Амалий тажрибаларда қизиқиш билан иштирок этишни таъминлаш. Пазл, лего, мозаикаларни мустақил тўплаш				
	Ижодий ривожланиш	Муסיкий асарларнинг характерини ҳиссий идрок эта олишга ўргатиш. Муסיкий ўйинларни мамнуният билан ўйнаш. Муסיқа ритмига мос рақс тушиш. Баъзи муסיқа асбобларининг овозини ажрата олиш малакаларини шакллантириш. Пластиндан буюмлар ясаш.				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Оригами: Паррак ясаймиз		Дўстлар учун сирли кутича		Намуна, оқ ва рангли қоғоз, кутича, ҳайвонлар ва уларнинг болалари тасвирланган карточкалар, қайчи, клейстер
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Боғча” сюжетли-ролли ўйин				Сюжетли расмлар, атрибутлар
	Тил ва нутқ	“Дўст” шеърини ёд олиш		Дўстлик ва дўстлар. Сухбат		Сюжетли расм, калава, юракчалар жамланмаси
	Фан ва табиат	Ҳидлаймиз, татиб кўрамиз, ушлаймиз ва тинглаймиз		Ёғоч ва металл билан танишиш		Ширма (қўл ва бурун учун), газета, қўнғирок, болғача, тош, шиқилдоқ, хуштак, сўзлайдиган қўғирчоқ, овал шаклдаги тешилган қолиплар, футлярда: саримсоқ пиёз, апельсин, лимон, шакар. Сандиқча, иккита сирли қопча, сув, тахта, металл предметлар магнит.
	Санъат	Расм: Кузги дарахт		Расм: Ликопчадаги олмалар дўстим учун ҳадя	Эртақ қаҳрамонларини ясаймиз	Намуна ва ижодий иш учун канцелярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

СЕНТЯБРЬ. ТҮРТИНЧИ ҲАФТА МЕН ВА МЕНИНГ ДЎСТЛАРИМ

Қуриш, ясаш ва математика маркази

Оригами: Паррак ясаймиз

Мақсад: болалар қоғоздан парракни қўлда ясаш ва қайчи билан ишлашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: схема, рангли қоғозлардан намуна, қайчи, пластилин, қоғоз салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Схемаларни кўриб чиқиш.
2. Ишни режалаштириш.
3. “Ҳар нарсанинг ўз ўрни бор” таълимий ўйини.
4. Қуриш-ясаш жараёни.
5. Болалар ишларининг муҳокамаси ва уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: оригами санъатининг тарихи ҳақида тарбиячининг ҳикояси.

Эътиборга молик жиҳати: қўл бармоқлари майда моторикасини ривожлантириш, эстетик дидни шакллантириш.

Қуриш, ясаш ва математика маркази

Дўстлар учун сирли қутича

Мақсад: болалар ҳайвонлар ва уларнинг болаларини парваришлашни ўрганадилар, К.Чуковскийнинг “Доктор Войжоним” эртаги эпизодларини биладилар, схемалар ва қайчи билан ишлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик ва қоғоз қутилар, ўйинчоқлар солинган қутича, ҳайвонлар ва уларнинг болалари расмлари жойлашган конверт, рангли қоғоз, қайчи, клейстер, қоғоз салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Кимнинг боласи?” таълимий ўйини.
2. “Эркалаш сўзларини айт” таълимий ўйини.
3. Дўстлар учун сирли қутича ясаш.
4. “Тўғри тахлаймиз” таълимий ўйини.
5. Болалар ишларининг муҳокамаси, уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: топишмоқларни топишга ўргатиш, шеърларни ифодали ўқиш. Ҳайвонлар ва уларнинг болалари ҳақида суҳбат. К.Чуковскийнинг “Доктор Войжоним” эртагини ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: таълимий ўйинларда болаларнинг фаоллигига аҳамият бериш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

“Боғча” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар боғча ходимларининг меҳнат фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўладилар, боғчадаги ўйинчоқлар ҳаммага тегишли эканлигини биладилар, дўстлари билан бўлишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: боғча расмлари, “Боғча” ўйини учун атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Боғча ҳақида ҳикоя.
2. Расмларни кўриб чиқиш.
3. Ролларни тақсимлаш – тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси, мудира, ошпаз, мусиқа раҳбари, жисмоний тарбия йўриқчиси, ҳамшира, шифокор, болалар, ота-оналар.
4. Ўйин ҳолатлари: “Эрталабки қабул”, “Машғулотлар”, “Сайрда”, “Нонушта” ва бошқалар.
5. Сюжетни ривожлантириш.

Қўшимча: боғча ходимларининг фаолиятини кузатиш ва суҳбатлар. Ёш хусусиятлари бўйича, ўғил болалар ва қизлар ўртасида ўзаро дўстона муносабатларни ўрнатиш.

Болаларни хушмуомалалик ва эътиборли бўлишга ўргатиш. “Менинг дўстим” мавзусида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: яхшилик ва ёмонлик ҳақида тасаввурга эга бўлиш, ўйинда ўзаро дўстона муносабатларни шакллантириш, ўйинчоқларни асраш ва авайлаш.

Тил ва нутқ маркази

“Дўст” шеърни ёд олиш

Мақсад: болалар шеърни ёд оладилар ва муаллифини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: : мавзуга оид расмлар, овозли ёзув, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Дўстларингни унутма” т аълимий ўйин (болаларда дўстлик тушунчасини шакллантириш).
2. “Яхши ва меҳрибон инсонлар билан учрашув” таълимий ўйин (болаларда одоб-ахлоқ ва яхши одатларни шакллантириш).
3. Шеърни тинглаш.
4. Шеърни ёд олиш.

Кўшимча: савол бериш кўникмаларини шакллантириш. “Биз ўйнаймиз” суратини кўриб чиқиш. Дўстлик ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: бадиий адабиётга қизиқиш ва муҳаббатни ошириш.

Тил ва нутқ маркази

“Дўстлик ва дўстлар”. Суҳбат

Мақсад: болалар дўстлар билан ўзаро мулоқот ва муносабат қоидаларини биладилар, тенгқурларининг яхши фазилатларини кўра оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар ва катталар суратлари, юракчалар солинган қутича, ип ўрами.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кириш суҳбати: “Дўстлик дегани нима?”
2. “Менинг дўстим ким?” таълимий ўйини.
3. Дўстлик ҳақида мақоллар:
4. “Ип ўрами” таълимий ўйини. Болалар айлана бўлиб ўтирадилар. Ип ўрамини бўшатиб дўстининг яхши фазилатларини айтган ҳолда ёнидагиларга узатадилар.
5. Викторина: “Ким ким билан дўст”.

Тимсоҳ Гена ва ...

Ишонувчан Буратино ва ...

Болалар бир-бирига тилак билдириб, қутичага юракчаларни биттадан ташлайдилар.

Кўшимча: одоб-ахлоқ нормаларини ўзлаштириш, хушмуомалаликни ўрганиш. Дўстлик ҳақида мақолларни билиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда ўзаро хушмуомалаликни шакллантириш, нутқ бойлигини ошириш.

Фан ва табиатмаркази

Амалий тажриба: “Ҳидлаймиз, таътиб кўрамиз, ушлаймиз ва тинглаймиз”

Мақсад: болалар ҳис-туйғу аъзолари ва улар бажарадиган функциялар ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Қулоқлар товушларни эшитиш, бурун ҳид сезишини, бармоқлар шаклини аниқлашини, тил таъм билишини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: 3та думалоқ қирқилган ширма (бурун ва қўллар учун), газета, кўнғироқча, болғача, иккита тошча, ҳуштак, гапира оладиган қўғирчоқ, шақилдоқ ўйинчоқ, киндер идиши, идишда саримсоқ пиёз, апельсин бўлакчалари, атир сепилган мато, лимон, оқ қанд.

Фаолиятнинг бориши:

1. Стол устида кўнғироқ, болғача, иккита тош, шиқилдоқ ўйинчоқ, ҳуштак, гапирадиган кўғирчоқ қўйилади. “Бу предметлар қандай товуш чиқаради?”, “Нима орқали сиз бу товушларни эшитдингиз?” ва ҳ.к.
 2. “Қандай товуш эканлигини топ” ривожлантирувчи ўйин. Бола ширма орқасидаги предметни олади ва уни ҳаракатлантиради, товуш чиқаради, қолган болалар қандай товуш эшитганларини ва бу товуш нима эканлигини топиб айтишади.
 3. “Ҳид орқали топ” ривожлантирувчи ўйини. Болалар бурунларини ширма ойначаларига яқинлаштирадilar ва тарбиячи тавсия қилган қўлидаги предметни ҳидлаш орқали топадилар. Бу нима? Қандай топдик? (Бурнимиз орқали) .
 4. “Таъмини топ” ривожлантирувчи ўйини. Тарбиячи болаларга лимон ва оқ қандни таъмига кўра топишни тавсия этади.
 5. “Кўлни тегизиб топ” ривожлантирувчи ўйини. Болалар ширманинг қирқилган жойидан қўлларини киргизиб, предметни олиб, нима эканлигини топишади.
- Бизга товушни, ҳидни, таъмларни топишга кўмаклашадиган ёрдамчиларимизнинг номини айтинг. Агар улар бўлмаганида нима бўларди?

Қўшимча: болаларни товушнинг пайдо бўлиши сабабларини ва предметларнинг фарқини топишга ёрдам бериш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда билиш аъзоларининг фаоллигини ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази

Тажрибалар: Ёғоч ва металл билан танишиш

Мақсад: болалар ёғоч ва металл билан танишиб, уларнинг сифати: металл ёғочдан оғирроқ ва овози баландлигини ва ҳ.к. фарқлашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сандиқча, иккита ажойиб қопча, сув учун елим идишлар, майда ёғоч ва металлдан ясалган предметлар ва ўйинчоқлар; ёғоч ва металл қошиқчалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларга сандиқча ичида жойлашган ажойиб қопчалардан ўйинчоқларни олиш тавсия этилади. “Нимадан ясалган” таълимий ўйини.

1-тажриба: “Сузади – чўкади”.

Сувга кетма- кетликда ёғоч ва металл предметлар солинади. Уларга нима бўлди?

2-тажриба: “Магнитларнинг тортишиши”

Кетма-кетликда магнитга ёғоч ва металл предметлар ёпиштирилади. Магнит қайси предметларни тортиб олди?

3-тажриба: “Жарангли ва жарангсиз”.

Болалар ёғочдан ва металлдан ясалган қошиқчалар билан ўйнайдилар. Қанақа товуш эшитилаяпти?

4-тажриба: “Енгил ва оғир”

Биринчи қопчага ёғоч солинади, иккинчисига эса металл предметларсолинади. Қайси қопча оғирроқ эканлиги аниқланади.

Қўшимча: болалар билан предметлар ёғоч ва металлдан ясалиши мумкинлиги ҳақида суҳбат. Сўз бойлигига ёғочли, металл, жарангли ва жарангсиз сўзларини киритиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда қизиқувчанликни ривожлантириш.

Санъат маркази

Расм: Кузги дарахт

Мақсад: болалар расм орқали кузги дарахт, унинг барглари ҳақида маълумотга эга бўладилар, атрофдаги олам гўзалликларини қоғозда бўёқлар орқали мужассамлаштира оладилар, тасвирларни қоғозга жойлаштира оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кузги дарахтлар тасвирланган расмлар, қоғоздан ясалган кузги барглар, гуашь, мўйкалам.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ҳа ёки йўқ” таълимий ўйини:

- Кузда гуллар очиладими?
- Қўзқоринлар бўладими?
- Булутлар қуёшни тўсадими?
- Қушлар учиб келадими?
- Ҳайвонлар инини ёпадими?
- Қуёш нурларини ёрқин сочадими?
- Болалар қуёшда чиникса бўладими?

2. “Қайси дарахтнинг барги эканлигини топ” таълимий ўйини.

3. Дарахтнинг тузилишини кўриб чиқиш: шохлар ва барглarning жойлашуви, уларнинг ранглари.

4. Расм чизиш.

5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: табиатдаги мавсумий ўзгаришларни кузатиш. Кузги барглр ва улардан гулдасталар ясаш. Куз ҳақида шеър ва қўшиқларни ёд олиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг эстетик дид ва бадиий қобилиятларини уйғотиш, рассомчилик фаолиятига қизиқишларини ошириш.

Санъат маркази

Аппликация: Ликопчадаги олмалар - дўстим учун ҳадя

Мақсад: болалар тугалланган композициянинг тайёр формаларини туза оладилар, қайчини ушлаш, тўғри қирқиш ва елимлашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ликопча шаклида қирқилган қалин қоғоз, 4-5 дона олма намуналари, рангли қоғоз, жигаррангли чизиқлар, қайчи, елим, мўйқалам, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ликопчадаги турли шакл ва рангдаги олмаларни кўриб чиқиш.
2. “Боғда нима ўсади?” таълимий ўйини.
3. Аппликацияни бажариш.
4. Иш жойини йиғиштириш.
5. Тайёр ишларни кўриб чиқиш ва паннога йиғиш.

Қўшимча: квадрат, тўғрибурчак, айлана ва овал шакллари қирқиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоа бўлиб ишлаш фаолияти, қўл майда моторикаси.

Санъат маркази

Лой иши: Эртақ қаҳрамонини ясаймиз

Мақсад: болалар ҳайвонларни ясай оладилар, шакл, эртақ қаҳрамонининг ташки кўриниши ва белгиларини кўрсата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, пичоқча, сув, мато, тахтача.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртақ қаҳрамонлари ҳақида топишмоқлар айтиш. Масалан: “Ким менинг ликопчамдан овқат еди, ким менинг ўриндиғимда ўтирди?”.
2. “Менинг севимли эртагим” мавзусида суҳбат.
3. Мустақил фаолият.
4. Бажарилган ишлар таҳлили. Қандай қизиқарли ҳолатларга дуч келдингиз?

Қўшимча: эртақ ўқиш ва суратларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқнинг грамматик тузилишига эътиборни қаратиш.